



# ШАРҚ ҲУҚОҚТ ВА РИВОЛТАРҲИ

Биринчи китоб

«SHARQ» НАШРИЁТ-МАТБАА  
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ  
БОШ ТАҲРИРИЯТИ  
ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 398(575)  
КБК 84(5)  
Ш 27

Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи:

**ЭРГАШ ОЧИЛОВ,**  
*филология фанлари номзоди*

Лойиҳа муаллифи:

**АҲРОР АҲМЕДОВ**

Шарқ халқлари қадим ул-айёмдан мақол-маталлар, теран маъноли ҳик-  
матли сўзлар, ибратли ҳикоят ва ривоятларга мойилликлари билан ажралиб  
турадилар. Шунинг учун ҳам Шарқда дидактик адабиёт ривожланган. Кенг  
ўқувчилар оммасининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб тузилган ушбу  
тўпламга Шарқ халқлари оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётидаги энг ажойиб,  
пайғамбарлар, авлиёлар, буюк тарихий шахслар, улуғ донишмандлар, мута-  
факкир олим ва адиблар, халқ қаҳрамонлари ҳаёти билан боғлиқ энг машҳур,  
ислом маърифати ва тасаввуф ҳақиқатидан баҳс этувчи энг ибратли ҳикоят ва  
ривоятлар жамланган. Ҳар бири ибрат кўзгуси ва ҳикмат хазинаси бўлган, халқ  
донишмандлигини ўзида мужассам этган, забардаст олим ва адибларимиз  
тафаккури ва ҳаётий қузатишларининг маҳсули ҳисобланган ва асрлар даво-  
мида тилдан-тилга ўтиб сайқал топган бу ҳикоят ва ривоятлар, нақл ва пандно-  
малар ҳикматга ташна халқимизга муносиб тухфа бўлади, деб ўйлаймиз.

**УЎК: 398(575)**  
**КБК 84(5)**

**ISBN 978-9943-26-860-9**

© «Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси  
Бош таҳририяти, 2013, 2018.

## *Маърифат чашмаси*

**Ш**арқ халқлари қадим ул-айёмдан мақол-маталлар, теран маъноли ҳикматли сўзлар, ибратли ҳикоят ва ривоятларга мойилликлари билан ажралиб турадилар. Халқ эртаклари донишманд отабоболаримиз ҳар бир ҳикматли сўзни бир тиллага тенг кўришганидан шохидлик беради. Ривоят қилишларича, Оллоҳ таоло Луқмони ҳакимдан: «Пайғамбарлик берайми ёки ҳикматми?» – деб сўраганида ҳикматга эш кишининг ўзи тўғри, сўзи маъноли, иши пухта бўлади деб ҳикматни танлаган экан. Шундан кейин Худованди карим унга шунчалик кўп ҳикмат ато этибдики, барча пайғамбарлар ҳам унинг панд-насихатларига мухтож бўлибди.

Ислонинг моҳияти ҳақида гапирар экан, «Дин бу – насихат», деган Муҳаммад алайҳиссалом: «Ҳикматли сўз мўмин кишининг йўқотиб қўйган нарсасидир, уни қаердан топса, ўзлаштириб олишга ҳақлидир», – деб лутф этадилар. Қуръони карим ва Ҳадиси шариф отлиқ икки буюк маърифат чашмасидан сув ичган Шарқ сўз санъати, хусусан, ўзининг ислондан кейинги тараққиёти давомида дидактик йўналишга алоҳида аҳамият бериб келди. Панд-насихат бу адабиётнинг қат-қатига сингиб, унинг асосий хусусиятларидан бирига айланган. Бу ўринда «Калила ва Димна», «Минг бир кеча», «Тўтинома», «Чор дарвеш» («Тўрт дарвеш»), «Қўрқут ота» каби халқ китоблари, «Оталар сўзи», «Махзан ул-илм» («Илмлар хазинаси»), «Мажмуаи тиб» («Тиббий тўплам») каби муаллифи номаълум ҳикмат ва ривоятлар тўпламлари, Унсурмаолий Кайковуснинг «Қобуснома», Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт» («Ҳикоятлар мажмуи ва ривоятлар ёлқини»), Маҳмуд Замахшарийнинг «Рабеъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр» («Эзгулар баҳори ва яхшилар баёни»), Абул Фарожнинг «Ажойиб ул-ҳикоёт» («Ажойиб ҳикоятлар»), Саъдий Шерозийнинг «Бўстон» ва «Гулистон», Абдурахмон Жомийнинг «Баҳористон», Алишер Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» («Кўнгиллarning севгани»), Фахриддин Али Сафийнинг «Латойиф ут-тавойиф» («Турли тоифадаги кишиларнинг латифалари»), Мажиддин Хавофийнинг «Хористон» («Тиканзор»), Муъиниддин Жувайнийнинг «Нигористон»<sup>1</sup>, Ҳаким Қоонийнинг «Паришон», Хожа-

<sup>1</sup> Бу номда Қози Аҳмад ва Ибн Камолпошшолар ҳам асарлар ёзганлар.

нинг «Гулзор», Бархурдор ибн Маҳмуднинг «Маҳфилоро» («Анжуманлар зийнати»), Абдулла Авлонийнинг «Туркий «Гулистон» ёхуд ахлоқ» каби асарларини эслашнинг ўзи кифоя.

Маълум бўладики, Шарқ адабиётининг тамал тоши ҳикмат билан кўтарилган, ҳикмат асосида ривожланган ва ҳикмат туфайли ўз тараққиётининг юксак чўққисига чиқиб, бутун дунё илму адаб аҳлини асрлар давомида ҳайратга солиб келаяпти. Буюк аждодларимиз ҳатто панд-насихатдан холи асарларни асар ўрнида кўришмаган. Мисол учун, Алишер Навоий илк девони «Бадойиъ ул-бидоя»га ёзган дебочасида адабиёт – тарбия воситаси эканлигига урғу берар экан, ҳар қандай бадий асар маърифий фикрлар ва панд-насихатдан холи бўлмаслиги кераклигига эътибор қаратиб, жумладан: «Девон топилғайким, анда маърифатомиз<sup>1</sup> бир ғазал топилмағай ва ғазал бўлғайким, анда мавъизатангиз<sup>2</sup> бир байт бўлмағай. Мундоқ девон битилса, худ<sup>3</sup> асру<sup>4</sup> беҳуда заҳмат ва зоеъ машаққат тортилғон бўлғай<sup>5</sup>», – деб ёзган ҳамда ўзининг ишқий ғазаллари ҳам маърифий ва фалсафий байтлардан бенасиб эмаслигини алоҳида таъкидлаган эди.

Бу ҳикматлар силсиласида ҳикоят ва ривоятларнинг ўрни аёнликка бекиёс: қалам аҳли борки, ё ўзининг панд-насихатларини далиллаш учун бу намуналарга мурожаат қилган, ё аввал ҳикоят ва ривоятларни келтириб, кейин қиссадан ҳисса тарзида улар юзасидан хулосалар чиқарган, ё таъсирчанлигини кучайтириш, ўқимишлилигини ошириш учун жойини топиб, уларни асарлари қатига маҳорат билан қистириб кетган. Шунинг учун «Калила ва Димна», «Минг бир кеча», «Тўтинома», «Чор дарвеш» каби халқ китобларини оласизми, «Қобуснома», «Гулистон», «Бўстон», «Баҳористон», «Нигористон», «Хористон», «Паришон», «Гулзор» «Зарбулмасал» каби панднома асарларни оласизми, «Илоҳийнома», «Мантиқ ут-тайр», «Маснавий маънавий», «Лисон ут-тайр» каби рамзий-мажозий мазмундаги маснавийларни оласизми, «Хамса» дostonларини оласизми, уларнинг барчаси турли-туман мавзудаги кўплаб ҳикоят ва ривоятлар билан музайян эканлигига гувоҳ бўласиз. Мумтоз сўз санъати намуналарида қолипловчи ҳикоя сифатида асосан ранг-баранг ҳикоят ва ривоятлардан фойдаланилган.

<sup>1</sup> *Маърифатомиз* – билим ва маълумот беришга мўлжалланган фикр ва мушоҳадалар билан омихта қилинган.

<sup>2</sup> *Мавъизатангиз* – панд-насихатга йўналтирилган.

<sup>3</sup> *Худ* – бу ерда: 1) албатта, ҳақиқатан; 2) фақат;

<sup>4</sup> *Асру* – жуда, ниҳоятда.

<sup>5</sup> **Қаранг:** *Алишер Навоий*. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма жилдлик. 1-жилд. – Тошкент, 1987. 21-бет.

Абу Райҳон Бериунининг «Китоб ал-жамоҳир фи маърифат ал-жавоҳир» («Қимматбаҳо тошларни аниқлаш бўйича маълумотлар китоби»), «Ал-осор ал-боқия ан ал-курун ал-ҳолия» («Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар»), «Сайдана» («Доривор ўсимликлар ҳақида») каби илмий, Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» номи билан машҳур «Сияр ул-мулук» («Ҳукмдорлар одоби»), Хожа Самандар Термизийнинг «Дастур ул-мулук» («Подшолар учун қўлланма»), Сайфийнинг «Дастур ул-вузаро» («Вазирлар учун қўлланма») каби сиёсий, Умар Хайёмнинг «Наврўзнама», Носир Хисравнинг «Сафарнома» каби тарихий, Муҳаммад Ғаззолийнинг «Ихёу улумид-дин» («Дин илмларини тирилтириш»), Носируддин Рабғузийнинг «Қисас ар-Рабғузий» («Рабғузий қиссалари»), Муҳаммад Сиддиқ Рушдийнинг «Тазкират ул-авлиё»и туркий» каби диний, Фаридиддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё» («Авлиёлар тазкираси»), Абдурахмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» («Азизлар нафаси»), Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» («Муҳаббат шабадалари») каби тасаввуфий, Низомий Арузий Самарқандийнинг «Чаҳор мақола» («Тўрт мақола»), Давлатшоҳ Самарқандийнинг «Тазкират уш-шуаро» («Шоирлар тазкираси») каби адабий, Бадриддин Қорининг «Хулосат ул-ҳукамо» («Ҳақимлар хулосаси»), номаълум муаллифнинг «Мажмуаи тиб» («Тиббий тўплам») каби тиббий, Хондамирнинг «Мақорим ул-ахлоқ» («Яхши хулқлар»), Зайниддин Восифийнинг «Бадоеъ ул-вақоеъ» («Ажойиб воқеалар») каби мемуар, Ҳамза ва Абдулла Авлонийнинг педагогик асарларида ҳам кўплаб ҳикоят ва ривоятлар келтирилади.

Муҳаммад Авфийнинг «Жавомеъ ул-ҳикоёт ва лавомеъ ур-ривоёт», Маҳмуд Замахшарийнинг «Рабеъ ул-аброр ва нусус ул-ахёр», Абул Фароҳнинг «Ажойиб ул-ҳикоёт», Фаҳриддин Али Сафийнинг «Латойиф ут-тавойиф», Ҳасанхожа Нисорийнинг «Анис ул-ушшоқ» («Ошиқлар дўсти»), Ғулом Муҳаммад Восифнинг «Ҳикоёти дил-писанд» («Дилқушо ҳикоятлар»), Абулбаракот Қодирийнинг «Качкули<sup>1</sup> султоний» («Шоҳона качкул»), Муҳаммад Жабалрудийнинг «Жомеъ ут-тамсил» («Масаллар мажмуаси»), Сайф уз-Зафар Навбахорийнинг «Дурр ул-мажолис» («Мажлислар дури») каби алоҳида ҳикоят ва ривоят тўпламлари ҳам тузилган.

<sup>1</sup> Качкул – дарвешу гадойлар елкасига осиб ёки қўлига олиб юрадиган қайиқ шаклидаги ёғоч коса. Улар қўлига тушган нарсани шу качкулга ташлаганлари каби, ижодкорлар ҳам ўзлари тўплаган ҳикоят ва ривоятларни тўплам ҳолига келтириб, уни качкул деб атаганлар. Бундай качкул тузиш Шарқда бир анъанага айланган.

Маълум бўладики, Шарқда ҳикоят ва ривоятлардан у ёки бу даражада истифода этилмаган нафақат адабий, балки илмий, сиёсий, тарихий, диний, тасаввуфий, тиббий, фалсафий асарлар ҳам йўқ ҳисоби. Ҳикоят ва ривоятларнинг Шарқ халқлари ҳаётида қанчалик катта ўрин тутганлигини шундан ҳам билса бўлади.

Асрлар синовидан ўтиб, ҳозиргача давом этиб келаётгани бу анъананинг умрбоқийлигини кўрсатади. Айтайлик, машхур қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг «Асрга татиғулик кун» романи асосида манкурт ҳақидаги қадимий ривоят ётса, Асқад Мухторнинг «Чинор» асарида ривоятлар асосий воқеаларни очувчи калит бўлиб хизмат қилган. Абдулла Ориповнинг «Ҳаким ва ажал» достони табобат илмининг султони Абу Али ибн Сино тўғрисидаги ривоятлар асосига қурилган бўлса, Эркин Воҳидовнинг улуғ хинд шоири Назрул Ислоннинг фожиали тақдирига бағишланган «Рухлар исёни» достони сюжети чуқур маъноли ҳаётий ривоятлар орқали шакллантирилган. Аслида ўзбек адабиётида қатига бирор-бир ривоят ёки ҳикоят сингдирилмаган асарни топиш қийин. Абдулла Қаҳҳор, Ҳамид Ғулом, Одил Ёқубов, Шуқур Холмирзаев, Тоҳир Малик, Эркин Аъзам, Хайриддин Султон, қисқаси, қайси ёзувчини олманг, асарларида муаллиф ёки қаҳрамон тилидан албатта бирор ҳикоят ёки ривоят келтириб ўтилади. Шукруллонинг «Жавоҳирот сандиғи», Тўлепберген Қайпбергеновнинг «Қорақалпоқнома» каби мемуар йўналишидаги асарлари эса кўпдан-кўп ҳикоят ва ривоятлар билан зийнатланган. Ўткир Ҳошимовнинг «Дафтар ҳошиясидаги битиклар» асари дидактик жанрга мансуб бўлиб, кўплаб тарихий ва ҳаётий ибратли ҳикоят ва ривоятлар, нақл ва латифаларни ўз ичига олади. Омон Матжоннинг «Қуёш соати», Комил Авазнинг «Сухбатларда сараланган сатрлар» тўпламларида ҳам қатор ҳикоят ва ривоятлар келтирилади. Бундан ташқари, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Жамол Камол, Ҳалима Худойбердиева, Азим Суён, Хуршид Даврон, Муҳаммад Раҳмон, Муҳаммад Юсуф, Матназар Абдулҳаким, Тошпўлат Аҳмад, Самандар Воҳид, Йўлдош Эшбек, Мирза Кенжабек, Иқбол Мирзо каби кўплаб шоирлар ижодида гўзал шеърӣй ривоятлар мавжуд. Омон Матжоннинг «Ҳаққуш қичқириғи» тўплами эса 39 та афсона ва ривоятдан иборат. Усмон Азимнинг «Бахшиёна»лари ҳам мазкур мавзуни ўзига хос равишда давом эттиради.

Абдулла Қаҳҳор, Асқад Мухтор, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби адиблар ҳатто адабий мақолаларида ҳам муайян фикр исботи учун бирор ҳикоят ё ривоятни келтириб ўтадилар. Воқеан, адабиётшунос олимларнинг илмий-оммабоп мақола ва эсселарида

хам ёритилаётган мавзу билан боғлиқ пурмаъно ҳикоят ва ривоятларга дуч келаемиз. Хусусан, Ҳамиджон Ҳомидий ўз бадиҳаларини кўпинча машҳур ҳикоят ва ривоятлар билан бошлайди. Гайбулла ас-Салом, Нажмиддин Комилов, Иброҳим Ғафуров, Иброҳим Ҳаққул, Султонмурод Олимлар ҳам ўз фикрларини асослаш учун турли ҳикоят ва ривоятларга тез-тез мурожаат қиладилар. Бу Абу Райҳон Беруний, Абу Ҳомид Ғаззолий каби буюк алломалар бошлаб берган, Маҳмуд Замахшарий, Ҳусайн Воиз Кошифий сингари забардаст олимлар муваффақият билан давом эттирган асрий анъананинг янги даврдаги акс садоларидир.

Ўзбек адабиётшунослигида К.Имомов, У.Жуманазаров, С.Умаров, М.Жўраев, У.Сатторов, З.Жумаев, Н.Каримова каби фольклоршунослар томонидан оғзаки адабиётдаги ривоятлар бир қадар ўрганилгани ҳолда, ёзма адабиётдаги ривоятлар махсус ўрганилганича йўқ. Мавжуд тадқиқотларда афсона, ривоят ва ҳикоят сингари жанрлар бир-бирига яқин ва ўхшаш бўлиб, афсонада уйдирма, ривоятда тарихийлик, ҳикоятда ҳаётийлик бўртиб туриши таъкидланади. Нақл эса гоҳ ривоят, гоҳ ҳикоят, гоҳ ҳикматли сўз маъносида келади.

*Ривоят* арабча сўз бўлиб, ҳикоя қилиш, бирор нарсани нақл этиш маъносини билдириб, «воқеа ва ҳодисаларни, инсон фаолиятини баъзан уйдирмалар воситасида, баъзан реал тасвирловчи оғзаки ҳикоя, фольклор жанри. Ҳажми қисқа – икки ёки уч эпизоддан ташкил топади, анъанавий услубий шаклга эга бўлмайди. Одатда, оддий бир ҳикоячи баёнидан бошланиб, оғиздан-оғизга ўтиш жараёнида эркин талқин қилинади. Ривоят асосида воқелик ва тарихий шахс билан боғлиқ ҳодисалар ётади»<sup>1</sup>.

Маълум бўладикки, ривоят тарихий ҳақиқатга асосланиб, мавзу жиҳатидан чекланмаган. Унда кўпроқ асрий тажрибалар оммалаштирилади, эзгу инсоний фазилатлар улуғланиб, бани башар табиатидаги ҳар турфа қусур ва иллатлар қораланади, машҳур кишилар ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ ибратли воқеалар ҳикоя қилинади, одоб-ахлоқнинг идеал меъёрлари тарғиб-ташвиқ этилади. Айни хусусияти билан ҳар бир ривоят ўзига хос панднома, одобнома сифатида намоён бўлади.

Машҳур немис шоири ва мутафаккири Ҳёте: «Ҳар куни ақалли битта кўшиқ эшитиш, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни ўзлаштириб олиш керак», – деган эди. Менга қолса, бунга қўшимча қилиб, ҳар куни бирорта ибратли ҳикоят ёки ривоят ҳам ўқиш лозим, деган бўлар эдим. Чунки бундан кишида қадимги

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 7-жилд. – Тошкент, 2004. 323-бет.



юнон олими Демокрит айтганидек, «уч қобилият ҳосил бўлади: энг тўғри хулоса чиқариш, нуқсонсиз гапириш ва нима қилиш кераклигини аниқ билиш». Шунинг учун ҳам Лукмони ҳаким таомдан оч бўлсанг ҳам, ҳикматдан тўқ бўл, деган экан. Бугина эмас. Ҳикмат ҳар қандай чўккан кўнгилни кўтаради, тушкун рухга умид бағишлайди, кишини ишлашга илҳомлантириб, яшаш шавқини кучайтиради.

«Ривоятнинг сюжет тузилиши характерли бўлиб, қисқа, ихчам, мантиқан ўзаро боғлиқ воқеа ва ҳодисалар асосига қурилган. Сюжет бошламаси маиший эртақларга хос «Ҳусайн Мирзонинг қирқ вазири бўлар эди», «Бу шаҳарда бир табиб ўтган экан» шаклида ифодаланган. Гоҳо эса «Айтишларича», «Ривоят қилишларича» каби хусусий бошламалари билан талқин этилган. Унинг классик намунаси «Андоқ ривоят қилибдурларким» каби тайёр қолипга айланган формулалар билан бошланади. Бироқ ривоят конкрет вақтни кўрсатиши билан ажралиб туради: «бир вақт», «бир куни», «қадим замонда» кабилар. Баъзан эса сюжет воқеалари бошланмасиз, тўғридан-тўғри бошланади. Тугалланма эса анъанага айланган эмас, оддий ва ҳаётий, кўпроқ салбий персонажга танбеҳ бериш ёки бош қаҳрамоннинг маънавий ғалабаси ёки масалага онгли муносабати билан якунланади»<sup>1</sup>.

Қадимда ривоятлар махсус кишилар томонидан нақл қилинган. Уларни *ровийлар* деб атаганлар. Ровий ривоят сўзидан олинган бўлиб, ривоят қилувчи, нақл қилувчи маъносини билдиради. Абу Райҳон Беруний диний ва тарихий ривоятларни ҳофизасида сақлаб, давраларда айтиб юрадиган профессионал ровийлар ҳақида маълумот беради<sup>2</sup>. Кўпчилик ривоятлар ёки халқ китобларидаги «Ровийлар андоқ ривоят қиладиларким...» бошланмаси ҳам ўтмишда профессионал ровийлар фаолият кўрсатганлигидан гувоҳлик беради. «Ровийлар репертуарини кўпроқ ривоят, афсона ва тарихий воқеалар билан боғлиқ ҳикоялар ташкил этган»<sup>3</sup>. Ровий ривоятни айтар экан, кўпинча «Мен бу воқеани улуғлардан эшитганман», «Бу воқеанинг ўзим гувоҳи бўлганман», «Донишмандлар айтадиларки», «Халқ айтадики», «Бу воқеани мен бувимдан эшитганман, бувим эса бобомдан эшитган экан», «Шунинг учун кексалар дейдиларки» каби жумлаларни ишлатади – улар тарихий воқеаларни далиллаш баробарида, тингловчида ишонч ҳосил қилади<sup>4</sup>.

<sup>1</sup> *Имомов К. Ўзбек халқ ривоятларининг жанр белгилари // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2005, 1-сон, 54–55-бетлар.*

<sup>2</sup> **Қаранг:** *Абу Райҳон Беруний.* Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент, 1968. 66-бет.

<sup>3</sup> *Имомов К. Ўзбек халқ ривоятларининг жанр белгилари.* 54-бет.

<sup>4</sup> Бу ҳақда қаранг: *Каримова Н.* Ўзбек халқ ривоятларининг жанрий белгилари // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2002, 3-сон, 42-бет.



Биз кўпдан буён энг машхур ҳикоят ва ривоятларни ўз ичига олган бир тўплам тузишни ният қилиб юрган эдик. Мақсадимиз у кўлланма ёки қомусий характерда бўлиб, барча ёш ва тоифадаги кишиларнинг китоб жавони ёки иш столида турсаю хоҳлаган вақтида ўзи истаган ҳикоят ёки ривоятни топиб, эҳтиёжини қондирса! Аммо, ҳаёл бошқа, ҳаёт бошқа деганларидек, мазкур китобни тартиб бериш жараёнида Шарқда ҳикоят ва ривоят мажмуалари, улардан намуналар келтирилган асарлар ниҳоятда кўплигидан уларни бир жилдга сиғдириш деярли мумкин эмаслигига, бинобарин, сайланма тўплам яратиш учун барча ҳикоят ва ривоятларни аввал бир ерга тўплаш кераклигига амин бўлдик. Бу тарих тажрибасидан ўтган усул бўлиб, уни кўпдан-кўп ривоятларнинг ўзи ҳам тасдиқлайди. Чунончи:

Ҳинд донишмандлари ёзган китоблар юз туяга юк бўлибди. Подшо уларни қисқартиришни буюрибди – қирқ туяга етибди. Янада ихчамлаштиришни амр қилибди – икки туя ҳолига келибди. Бундан-да лўнда бўлиб, фақат қаймоғи қолсин деган экан, барчаси тўрт қалимага жо бўлибди.

Ёки донишмандлардан бири айтган экан: Қирқ дафтар ёздим, аммо фойдаланишга қийналдим. Кейин уни тўрт дафтарга келтирдим – барибир кўплик қилди. Ниҳоят, бир дафтарга жо қилдим ва кидирган нарсамни топгандай бўлдим.

Бу ривоятлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳикоят ва ривоятларни аввал бир ерга тўплаб, бир неча жилдда нашр этиш керак – ўшандагина уларнинг яхшиларидан яхшиларини танлаб олиб, сайланма китоб тузиш мумкин экан. Ушбу тўплам ана шу эзгу йўлдаги дастлабки қадам ҳисобланади. Бир қатор машхур ривоятларнинг мазкур жилддан жой олмай қолгани шу билан изоҳланади.

Илмий тадқиқотларда ривоятлар икки катта гуруҳга – тарихий ва топоним ривоятларга бўлинади. Ўз навбатида, уларнинг ҳар бири яна кўпдан-кўп мавзуй гуруҳчаларга ажралиб кетади. Ушбу тўпламга асосан халқ оғзаки ижодига хос бўлиб, шаҳар, қишлоқ, кўрғон, сарой, мақбаралар номи ҳамда уларнинг пайдо бўлиш сабаблари билан боғлиқ воқеалар ҳикоя қилинадиган топоним ривоятлардан намуналар киритилган эмас. Тўплам ёзма адабиётдаги тарихий ривоятлар асосида тартиб берилди. Тарихий ривоятларни эса фольклоршунослар, жумладан қуйидагича тасниф қиладилар: «а) этногенетик ривоятлар; б) ўтмишда бўлиб ўтган воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ривоятлар; в) тарихий шахслар ҳақидаги ривоятлар; г) тарихий обидаларнинг бунёд этилиши ҳақидаги ривоятлар; д) ҳаётий-маиший ривоятлар»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Жумаев З. Тарихий ривоятлар таснифига доир // «Ўзбек тили ва адабиёти», 2002, 2-сон, 39-бет.

Биз бирор-бир илмий тасниф даъвосини қилмаган ҳолда, ҳикоят ва ривоятларни сидирғасига келтириш ўқувчиларни зериктириб қўймасин деган мақсаддагина уларни мавзу ва йўналишига кўра 10 бобга ажратдик:

1. Ислом олами ривоятлари
2. Авлиёлар ҳикмати
3. Фозиллар фасоҳати
4. Хукмдорлар ҳақида ривоятлар
5. Ҳакимлар ҳикояти
6. Ибрат мактаби
7. Мажоз қатидаги ҳақиқат
8. Латиф лутфлар
9. Донолар пандномаси
10. Бир ҳовуч дур.

Номидан кўриниб турганидек, биринчи бобда – диний, иккинчи бобда – тасаввуфий, учинчи бобда – олим ва адиблар ҳаёти, тўртинчи бобда – хукмдорлар фаолияти, бешинчи бобда – ҳакимлар ва табабат, олтинчи бобда – турли тоифа ва табақадаги одамлар турмушидан олинган ҳаётий, еттинчи бобда – мажозий мазмундаги ҳикоят ва ривоятлар келтирилса, саккизинчи бобда – сўз усталарининг нозик лутфлари, тўққизинчи бобда – донишмандларнинг ҳикматли сўзлари берилади, ўнинчи бобда эса ўзимиз тўплаган ҳикоят ва ривоятлардан намуналар ҳавола қилинади.

Бир ижодкор сифатида камина ҳам кўп йиллардан буён ён дафтар тутаман, кундалик юритаман. Уларда ҳар кунги фикр-кузатишларимни қайд этиб қўйиш билан бирга, одамлар оғзидан эшитган теша тегмаган гаплар, нозик лутфлар, оҳорли нақл-ривоятлар, янги латифа-ҳангомаларни ёзиб бораман. Айни пайтда, кўрган-кечирганларим ва тажрибаларим асосида ўзим ҳам анча-мунча ҳикоятнамо нарсалар қоралаганман. Сўнгги бобда бошқа китобларда учрамаган, ўзим халқ орасида юриб тўплаган ёки ижод қилган ҳикоят, ривоят ва нақллардан айримлари келтирилади.

Келгусида бу ҳикоят ва ривоятларни мавзусига кўра алоҳида-алоҳида тўпламлар ҳолида нашр этиш ниятимиз ҳам йўқ эмас, чунки уларнинг адади бунга етарли имкон беради.

Н. Каримовнинг ёзишича, «ривоятнинг халқ оғзидан ёзиб олинганининг бадиий даражаси кучсиз бўлса, машҳур шоирлар тилидан ёзиб олингани эса бадиийлиги ва образлилиги билан ажралиб туради»<sup>1</sup>. Шунга қарамай, гоҳ тилининг эскириб, ҳозирги ўқувчи

<sup>1</sup> Каримова Н. Ўзбек халқ ривоятларининг жанрий белгилари. 42-бет.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/oz/asar/4557> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/4557> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на  
сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/4557>